

TO‘QIMACHILIK SANOATI INVESTISIA FAOLIYATI VA UNI BOSHQARISH HOLATI TAHLILI

Гўзал Умарова,

*иқтисод фанлари номзоди, ТДИУ "Яшил иқтисодиёт ва барқарор бизнес" кафедраси
доценти, ДБА "Менежмент назарияси ва амалиёти" кафедраси изланувчиси*

ANALYSIS OF THE INVESTMENT ACTIVITY OF THE TEXTILE INDUSTRY AND STATE OF ITS MANAGEMENT

Guzal Umarova,

*PhD (Economic sciences), Assistant Professor of the Department "Green economy and
sustainable business Economic of industries" TSEU, Applicant of department «Management
theory and practice» AGM*

JEL Classification: M1, M19

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистоннинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатининг стратегик ривожланиши, тўқимачилик саноати инвестиция фаолияти ва уни бошқариш ҳолати таҳлили баён этилган. Хорижий инвестицияларни жалб этишининг муҳим тартибга солувчи дастаги сифатида "Ўзтўқимачиликсаноат" Уюмасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш инвестицион фаолликни оширишда асосий ўрин эгаллаши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Abstract: *this article describes the strategic development of the textile industry, one of the leading industries in Uzbekistan, analyzes the investment activities of the textile industry and its management. As an important regulatory lever for attracting foreign investment, the «Uztokimachilik sanoat» Association was given suggestions and recommendations that attracting foreign direct investment plays a key role in increasing investment activity.*

Калим сўзлар: *инвестиция фаолияти, қулай инвестиция муҳити,*

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестицион фаоллик, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация.

Keywords: *investment activity, favorable investment climate, foreign direct investment, investment activity, production volume, high value added, processing, modernization, diversification.*

Кириш. Жаҳонда интеграциялашув жараёнининг чуқурлашуви шароитида тўқимачилик корхоналарини стратегик ривожлантиришда инвестицияларни бошқариш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда стратегик бошқариш, риск менежмент, лойиҳани бошқариш, стратегик режалаштириш ва стратегик дастурларни ишлаб чиқиш, стратегик таҳлил, мақсадлар бўйича бошқариш; рақамлаштириш технологияларини қўллаш асосида стратегик бошқарувни ташкил этиш; корхоналар инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш, инвестицияларни бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестиция фаолиятини стратегик бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва унинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Охирги йилларда айнан ушбу соҳада мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги экспорти улуши ошиб бориб, хусусан, «Хитой 24 фоизни, АҚШ 19 фоизни, Ҳиндистон 13 фоизни, Покистон 8 фоизни, Ўзбекистон 5 фоизни, Африка мамлакатлари 5 фоизни, Туркия 4 фоизни, Бразилия 4 фоизни, Австралия 3 фоизни, Греция 2 фоизни ташкил этмоқда» [10].

Жаҳон бозорида тўқимачилик маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши ушбу тармоқни янада ривожлантиришда инвестицияларни бошқариш самарадорлигини ошириш долзарб масала саналади. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ўзак тармоқлардан бири саналиб, ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг қўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш», шунингдек, “26-мақсад: Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш. Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, “пастдан-юқорига”

тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш. 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш” ва “28-мақсад: Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш [1] каби устувор вазифаси белгиланган бўлиб, мазкур вазифани муваффақиятли бажарилиши республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик ривожлантиришда инвестицияларни бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Материал ва метод. Ф.С.Тумусов (2012) инвестициянинг моҳиятини ёритишда қуйидагича таъриф берган: «Инвестиция пул маблағлари сарфи, даромад қисми сифатида жорий истеъмолда эмас, балки такрор ишлаб чиқаришдаги барча ижтимоий ва шахсий капиталдан фойдаланишни ва натижада, пировард мақсад бўлиб янги, бирмунча юқори даромад олиш ёки келажакда ижтимоий самарага эришишни ифодалайди». Ушбу таърифда муаллиф нафақат ресурс, балки сарфлар ёндашувини бирга қўшишга ҳаракат қилиб, инвестицияни бир томондан ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси, иккинчи томондан маълум вақтга истеъмолда фойдаланилмайдиган даромад қисми сифатида тушунтиради [2].

Н.В.Игошиннинг (2000) фикрича, «инвестиция - пул маблағларини сармояни қайта яратиш, уни сақлаб туриш ва кенгайтириш йўлида сарфлашдир». Энг умумий кўринишда оладиган бўлсак, «инвестиция - бу бўш пул маблағларини молиявий ва моддий бойликларнинг турли шаклларида сарфлашдан иборатдир» [3].

Француз олими П.Массе ва инглиз олими Дж.Кейнснинг инвестиция моҳиятини аниқлашдаги мавжуд тафовутларда умумий методологик ёндашув ифодаланган. Шундай экан, П.Массе (2011) ёзади: «Инвестициялаш бугунги кундаги эҳтиёжнинг кондирилишини манфаат ёрдами билан унинг келажакда кутилаётганини алмашув актини ўзида ифодалайди» [4]. Ушбу таърифда инвестициянинг икки томонлама моҳияти – ресурсларга сарфлар ва бу сарфларнинг натижалари ёритиб берилган. Дж.Кейнс (2000) фикрича, инвестиция ушбу даврга даромадлар, яъни эҳтиёж учун фойдаланилмайдиган қисмини ўзида ифодалайди. Бу «Алоҳида шахс ёки корпорациянинг қандайдир эски ёки янги мол-мулк харидини, қайсики янги инвестициялар даромад ҳисобига турли кўринишдаги капитал мол-мулк харидини» ифодалайди [5]. Дж.Кейнс назариясида инвестиция ва жамғариш ўртасидаги алоқадорлик битта ҳодисанинг икки томони сифатида аниқ кўрсатиб берилган. Кейнс назарияси бўйича инвестициялаш мазмуни бўйича шундай хулоса чиқариш мумкинки, ривожланган иқтисодий тизимда инвестициялаш ва жамғариш категориялари алоҳида функциялари билан ажралиб туради. Жамғарманинг муайян қисмини бевосита инвестициялаш мумкин, бу асосий жамғарма кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари маблағларининг қолган қисми келажакдаги сарфлар (истеъмол ва инвестицион) учун иқтисодий муносабат субъектларида сақланади.

Кейнс (2000) одамларнинг жамғаришга бўлган мойиллигининг ортиб боришини уларнинг истеъмолга бўлган мойиллигининг камайишида, деб билади. Унутли истеъмол молларига

бўлган талабнинг пастлигига сабаб эса инвестицияларни рағбатлантиришнинг етарли эмаслигида, деб билади. Унинг талқинидаги самарали талаб ҳажмининг етарли эмаслиги муқаррар равишда инвестиция жараёнининг сустлиги билан изоҳланади, бунга сабаб тадқиқотларнинг капитал қўйилмаларга камроқ қизиқишидир.

К.Макконел ва С.Брю (2003) инвестициянинг моҳиятини кейнсчилар моделининг идрокида, деб билдилар, шунинг учун инвестицияни микроиқтисодий нуқтаи-назардан қараб чиқадилар. Муаллифлар ўзларининг қарашларида «ялпи хусусий ички инвестициялар» тушунчасини «америкалик ишбилармон фирмаларнинг инвестицион сарфлари», деб айтадилар ҳамда улар қуйидагиларни ўз ичига олади: машиналарга барча охириги харидлар, барча қурилишлар, истеъмол қилинмаган маҳсулотлар [6].

Э.Д.Долан ва Д.С.Линдсейлар (1992) инвестиция моҳиятини микроиқтисодий нуқтаи назардан талқин қилиб, улар инвестициянинг мазмунини «Шаклланаётган иқтисодий тизимда капитал ҳажмининг ўсиши, одамлар амал қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари таклифини юксалишида», деб билдилар [7]. Мақолада тизимли, илмий мушоҳада, иқтисодий статистик, корреляцион-регрессион, иқтисодий математик, SWOT таҳлил, монографик тадқиқот, статистик танланма, гуруҳлаш, қиёслаш, экспертлар баҳоси ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Натижалар. Тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим ижтимоий-иқтисодий

муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради, яъни бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга эришиш, маҳаллий хом ашёдан импортни ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи навбатда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омиллар кучайтирилишини тақозо этади. Қулай инвестицион иқлим шаклландимасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди. Шу боис, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади, ҳамда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қисқа муддатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга таъсир кўрсата оладиган омилларни аниқлаш ва уларни ишга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир. Кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлат бошқаруви ҳам муҳим ўрин тутди. Айнан давлат тузилмавий қайта қуришни амалга ошириши, тармоқлараро ҳамда минтақалар бўйича номутаносибликларни ҳал қилиши, фан-техника тараққиётини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони тармоқла таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инновацияларни кенг жорий этиш орқали иқтисодий самарадорлиги ва экспорт салоҳиятини янада оширишда муҳим ўрин тутди.

Ушбу фармонга асосан «Ўзбекенгилсаноат» АКда 2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари дастурига биноан 79 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирилди. Шундан 58 та лойиҳа хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича амалга оширилса, яна 21 таси чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда амалиётга тадбиқ этилиши кутилган эди.

Эллиққалъа ва Қўнғирот пахта тозалаш заводлари негизида, Ёғдудов туманида, Жондор ҳамда Ромитан туманларида қурилиши якунланмаган объектлар базасида тўқимачилик комплексларини, «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонасида тўқимачилик корхонасини (4-босқич) ташкил этиш каби лойиҳалар ушбу кўзланган истиқболли лойиҳаларнинг бир қисмидир.

Ушбу фармонда кўзда тутилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ижобий натижаларга эришишни таъминлади.

2015 йилда давлатимиз томонидан тўқимачилик саноати корхоналари

ривожланиши учун яратилган шароит ва кўрсатилаётган амалий ёрдамлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ва бу орқали тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтиришга кенг имкон яратди. Хусусан [8]:

Биринчидан - ҳисобот даврида Инвестиция дастури доирасида соҳага 174,6 млн. доллар миқдорида (2013 йилга нисбатан 108,9 %) инвестициялар жалб қилинди ва 180,27 млн. доллар миқдорида (116,6 %) ўзлаштирилди.

33 та янги ва модернизация қилинган корхоналар ишга туширилди. Натижада, тармоқнинг ишлаб чиқариш қуввати ип-калава бўйича 34,55 минг тоннага, трикотаж мато бўйича 5 минг тоннага, тикув-трикотаж буюмлари бўйича 9,58 млн. донага ошди. Ушбу корхоналар ҳисобига соҳанинг экспорт салоҳияти 116,7 млн. долларга кўпайди ва 2892 та янги иш ўринлари яратилди.

Булар: Андижон вилоятидаги “Роял Силк” МЧЖ, Бухоро вилоятидаги “Бухоро Техно Инвест” МЧЖ, Наманган вилоятидаги “Нафис Текс Групп” МЧЖ, Самарқанд вилоятида “Самарқанд иплиги” МЧЖ, “Нур Сам Кур” МЧЖ, “Сам Рафоат Текстил” ва “Яшам Эпкарлан”, Фарғона вилоятидаги “Хамза Экспо арт Текстил” ХК ва “Индорама Қоканд Текстил” 3-босқичи бўлиб, улар жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий технология ва ускуналари билан жиҳозланган.

Иккинчидан – ушбу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 123,0 фоизни (2852.7 млрд. сўм) ташкил этди. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш чораларини амалга ошириш натижасида тикув-трикотаж маҳсулотлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баробарга, пайпоқ маҳсулотлари эса 1,15

баробарга ортиқ ишлаб чиқарилди. 55 та янги турдаги 126 модел – ассортиментда 140,7 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди ва 861,9 млн. доллар миқдорида маҳсулотлар дунёнинг 50 тадан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинди (2013 йилга нисбатан 104,1 %). Халқ истеъмоли молларининг улуши умумий товар маҳсулотларида 40 %ни ташкил этди.

Учинчидан - ўтган даврда тармоқда 11313 та иш ўринлари яратилди. Жумладан, инвестиция бўйича 5362 та, тармоқни ривожлантириш ҳисобига 5576 та, касаначилик асосида 350 та, локализация маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда 25 та иш ўринлари яратилди.

Тўртинчидан - уюшма таркибидаги кичик бизнес корхоналарининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 41,5 фоизни, маҳсулотлар экспортидаги улуши эса 42,3 фоизни ташкил этди.

Бешинчидан – ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи 16,1 млрд. сўмга пасайтирилгани, асосий фондларнинг 1 сўмига ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларининг (121,8 сўм) 107,9 фоизга ошганлиги натижасида тармоқ бўйича рентабеллик даражаси 9,1 фоизни ташкил этди.

Ҳаракатлар стратегияси давлат дастури асосида 2017-2020 йилларда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 494,05 млн. долларни ташкил этувчи 85 та янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Жумладан, Бухоро вилоятида 15 та лойиҳа, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида 12 тадан, Қорақалпоғистон

Республикасида ва Фарғона вилоятида 10 тадан лойиҳа, Навоий вилоятида 8 та лойиҳа, Сурхондарё вилоятида 7 та лойиҳа, Жиззах вилоятида 4 та лойиҳа, Самарқанд вилоятида 3 та лойиҳа, Тошкент вилоятида 2 та лойиҳа ва Андижон, Қашқадарё вилоятларида 1 тадан лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳаммаси амалга оширилди.

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги “Узтекс Учқўрғон” МЧЖда 10 млн. дона сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида 22 минг тонна аралашма ип калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги “Қатқала” МЧЖда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилди.

2019 йилга бориб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти негизида замонавий ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопарки ишга туширилади. Жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 80 %идан ортиғи Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби мамлакатимиз йирик ҳамкорларининг ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, агар 1990 йилларда бу фақат Кореянинг “ДЭУ Интернейшнл” компанияси бўлган бўлса, бугунги кунда Кореянинг “Янгуан корпорэйшн”, “Текстиль технолоджие Груп”, Сингапурнинг “Индорама Корпорэйшн” ва “Вериагров”, Швейцариянинг “Ритер” ва “Свисс Капитал”, Япониянинг “Тойота Цусе Корпорэйшн” ва Туркиянинг “Бо групп”, “Лким текстиль”, “Вайрекс” ҳамда бошқа кўплаб йирик гигантлари унинг сафини тўлдирди [8].

Хусусан, Кўкон тўқимачилик комбинати негизида “Индорама Коканд

текстиль” кўшма корхонаси тузилди. Сингапур “Индорама Корпорэйшн” компанияси томонидан қўйилган инвестициялар умумий ҳажми 165,0 млн. долларга кўтарилди, 1000 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Хоразм вилоятида Швейцариянинг “Свись капитал” компанияси билан биргаликда республикада тайёр пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда тенги йўқ замонавий етакчи Европа компаниялари технологик ускуналари негизида йирик лойиҳани амалга ошириш таъминланди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ва Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида Сингапурнинг “Хайтекс Сингапур” ва Нидерландиянинг “ЛТ Текстиль Кооператив” компаниялари хорижий инвесторлари билан биргаликда йирик объектлар қурилиши йўлга қўйилиб, уларда аралаш калава ва аралаш газлама каби тўқимачилик саноати рўйхатига кирадиган янги маҳсулотлар чиқариш ташкил қилинди [8].

Тўқимачилик машинасозлиги соҳасида ва илмий-тадқиқот йўналишида инновацион лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “Ўзбектўқимачиликмаш” ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида “Ритер Узбекистан” хорижий корхонаси тузилиб, бугунги кунда калава ишлаб чиқариш бўйича замонавий тўқимачилик ускуналари тўлиқ занжирини ишлаб чиқаради. Бу корхонанинг йўлга қўйилганлиги туфайли Ўзбекистон тўқимачилик саноати учун ўзининг замонавий станок-қурилиш базасини ташкил қилди. Шу билан бир қаторда, Жиззах вилоятининг “Жиззах эркин индустриал зонаси” худудида тикув машиналари, тикув фурнитуралари ва аксессуарлари кенг ассортиментини ишлаб чиқариш бўйича корхона ташкил

этилди. “Ритер Узбекистан” хорижий корхонаси негизида замонавий тренинг-марказ ташкил этиш бўйича қурилиш ташкил қилинди. Бу ерда мунтазам равишда замонавий моделлар ва янги конструкторлик ишланмалари, йигирув ишлаб чиқариши жараёнлари бўйича чуқурлаштирилган билимлар, ўзбек мутахассисларини тўқимачилик ускуналари технологик ва механик қурилмалар бўйича ишлаш кўникмаларига ўқитишда мужассамлашган (1-жадвал).

Шунингдек, 2018-2020 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишларни кўриб чиқадиغان бўлсак, 2017 йилда 2 та, 2018 йилда 13 та ва 2019 йилда 60 та, 2020 йилда 16 та кластерлар ташкил этилди. 2020 йили тармоққа 814,4 млн. АҚШ доллари қийматидаги, 449,7 млн. долларлик

хорижий инвестициялар жалб қилиниб, ушбу маблағлар ҳисобига 83 та янги ва модернизациялашган корхоналар яратилди.

2018-2021 йилларда қиймати 2690,8 млн. долл. бўлган 281 га яқин инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Бу лойиҳаларнинг аксарияти тайёр маҳсулотлар, яъни бўялган ип калава, трикотаж мато, газламалар, трикотаж маҳсулотлари ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган (2-жадвал). Лойиҳалар асосан, корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредити ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилди. Амалга оширилган инновацион-инвестиция лойиҳалар ҳисобига тармоқнинг экспорт салоҳияти ўрганилаётган даврда 1074,1 млн. долларга ортди, 65897 та янги иш ўринлари яратилди.

1-жадвал

2015-2020 йилларда ишга туширилган тўқимачилик корхоналари¹

| Йиллар | Корхоналар сони | Иш ўринлари | Капитал маблағ (млн.долл) | Қувватлари | Экспорт (млн.долл.) |
|----------|-----------------|-------------|---------------------------|---|---------------------|
| 2015 йил | 37 | 8157 | 127,3 | 55,2 минг тн. калава ип, 18,2 млн. п.м. газлама, 1,5 минг тн. трикотаж мато, 4,2 млн жуфт пайпоқ, | 102,4 |
| 2016 йил | 32 | 10837 | 190,2 | 59,5 минг тн. калава ип, 8,5 млн. п.м. газлама, 11,5 млн дона тайёр маҳсулотлар, 12,9 млн жуфт пайпоқ, | 124,1 |
| 2017 йил | 34 | 12030 | 250,5 | 85,5 минг тн. калава ип, 67,1 млн. п.м. газлама, | 172,6 |

¹ “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

| | | | | | |
|-------------|----|-------|-------|--|-------|
| | | | | 14,4 млн. дона тайёр маҳсулотлар, 18,8 млн. жуфт пайпоқ, 9,1 минг тн. трикотаж матоси. | |
| 2018 йил | 60 | 10654 | 829,7 | 178,4 минг тн. калава ип, 54,1 млн. п.м. газлама, 38,4 млн. дона тайёр маҳсулотлар, 41,7 млн. жуфт пайпоқ, 10,9 минг тн. трикотаж матоси. | 183,3 |
| 2019 йил | 65 | 15568 | 814.4 | 58,4 минг тн. калава ип, 34,1 млн. п.м. газлама, 8,4 млн дона тайёр маҳсулотлар, 21,7 млн жуфт пайпоқ, 11,9 минг тн. трикотаж матоси. | 163,3 |
| 2020 йил | 71 | 16855 | 836,3 | Пахта калава ипи 124,7 минг тн. бўялган ип 5,2 минг тн. трикотаж матоси 6,1 минг тн. аралаш толали газлама 35,0 минг м. тайёр тикувчилик трикотаж буюмлари 89,2 млн дона пайпоқ маҳсулотлари 6,3 млн жуфт буялган трикотаж мато 21,1 минг тн. | 255,8 |

1-расмда тўқимачилик тармоғида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тармоқ бўйича 2021 йилда 17805 та янги иш ўринлари яратишга қаратилган умумий

қиймати 832,3 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган 62 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 22806 та янги иш ўринлари яратилган умумий қиймати 836,3 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган 85 та инновацион-инвестиция лойиҳалари амалга оширилган.

2-жадвал

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси 2018-2021 йиллар инновацион- инвестицион фаолияти динамикаси²

| Т/р | Кўрсаткичлар | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|-----|---|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Ўзлаштирилган инновацион-инвестиция лойиҳалари сони | 60 | 65 | 71 | 85 |

² “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

| | | | | | |
|----|---|-------|-------|-------|-------|
| 2. | Инновацион-инвестиция лойиҳалари қиймати, млн.долл. Шу жумладан: | 550,7 | 829,7 | 474,1 | 836,3 |
| | Ўз маблағлари ҳисобига | 274,5 | 268,6 | 136,4 | 216,5 |
| | Тижорат банклари кредити | 262,8 | 536,7 | 234,4 | 140,8 |
| | Хорижий инвестициялар ва кредитлар | 13,5 | 24,3 | 103,3 | 479,0 |
| 3. | Яратилган иш ўринлари сони | 10654 | 15568 | 16855 | 22820 |
| 4. | Инновацион-инвестиция лойиҳалар экспорт салоҳияти, млн.долл. | 253,6 | 377,3 | 187,4 | 255,8 |

“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси корхоналарида инновацион-инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш ҳисобига экспортбоп ишлаб чиқариш қувватларининг ошишига эришилди (3-жадвал).

Лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида 2021 йилда 2018 йилга нисбатан калава ип ишлаб чиқариш ҳажми – 461 минг тоннага камайган ҳолда қўшилган қийматга эга маҳсулот


турлари - трикотаж матоси – 20,4 минг тоннага, тайёр тикувчилик трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 147,8 млн. донага, пайпоқ маҳсулотлари ҳажми 1,5 млн. жуфтга, бўялган трикотаж матоси ишлаб чиқариш ҳажми эса 7,3 минг тоннага ортди. Шунингдек, тармоқ учун инновацион маҳсулот ҳисобланган 36 минг тн. бўялган ип ҳамда 175,4 минг метр аралаш толали газлама ишлаб чиқарилди.

3-жадвал

“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси корхоналарида инновацион-инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш ҳисобига яратилган ишлаб чиқариш қувватлари³

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|-----|------------------------------------|---------------|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Пахта калава ипи | минг тн. | 149,2 | 187,1 | 124,7 | 135,5 |
| 2. | Бўялган ип | минг тн. | 10,0 | 23,8 | 5,2 | 11,1 |
| 3. | Трикотаж матоси | минг тн. | 13,9 | 18,5 | 6,1 | 34,3 |
| 4. | Аралаш толали газлама | минг м. | 29,4 | 111,0 | 35,0 | 85,1 |
| 5. | Тайёр тикувчилик трикотаж буюмлари | млн. дона | 28,6 | 60,8 | 89,2 | 176,4 |
| 6. | Пайпоқ маҳсулотлари | млн.жуфт | 1,5 | 1,9 | 6,3 | 3,0 |
| 7. | Бўялган трикотаж матоси | минг тн. | 25,2 | 23,5 | 21,1 | 32,5 |

³ “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



1-расм. Республика тўқимачилик тармоғида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳақидаги маълумотлар

Ушбу Фармонда белгиланган лойиҳаларни, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари кам ташкил этилган ҳудудларда амалга

ошириш, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини турмуш даражасини ошириш режалаштирилган (4-жадвал).

4-жадвал

“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси корхоналарида вилоятлар кесимида инновацион-инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш динамикаси⁴

| Т/р | Вилоятлар кесимидаги кўрсаткичлар | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|-----|--|------------|------------|-------------|-------------|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 2 16,4 | 2 61,2 | 4 17,2 | 1 10,0 |
| 2. | Андижон вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 13 84,6 | 4 63,3 | 16 125,0 | 18 161,2 |
| 3. | Бухоро вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 7 41,7 | 13 93,8 | 4 42,6 | 5 136,1 |
| 4. | Жиззах вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 9 62,5 | 8 88,4 | 6 53,2 | 2 29,0 |
| 5. | Қашқадарё вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 3 32,8 | 1 2,8 | 2 23,3 | 6 156,5 |
| 6. | Навобий вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 3 10,9 | 4 45,95 | 19,6 | 8 28,8 |
| 7. | Наманган вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 3 48,4 | 8 98,1 | 7 40,1 | 15 76,8 |
| 8. | Самарқанд вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 4 10,4 | 8 125,4 | 2 4,2 | 3 14,1 |
| 9. | Сурхондарё вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 6 123,7 | 1 3,6 | 1 1,5 | 2 25,5 |
| 10. | Тошкент вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 4 41,5 | 3 70,1 | 5 8,4 | 5 56,1 |
| 11. | Фарғона вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 3 14,9 | 5 78,5 | 6 41,0 | 7 27,4 |
| 12. | Хоразм вилояти Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 2 17,3 | 4 66,5 | 2 9,4 | 7 37,7 |
| 13. | Тошкент шаҳри Инвестиция лойиҳалари сони Лойиҳалар қиймати, млн.долл. | 2 45,8 | 3 67,1 | 4 46,6 | 2 13,5 |

⁴ “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 2018-2020 йилларда Буюк Британиянинг “Фрузекс” компанияси, Япониянинг “Тойота Тсуше” ва Германиянинг “Заурер” компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 94,8 млн. АҚШ доллари бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилиб, 13 минг тонна ип калава, 4,0 минг тонна трикотаж мато, 32,7 млн. кв. метр газлама, 3,0 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари ва 2,0 минг тонна ип калавани бўйаш қувватлари яратилди.

Қашқадарё вилоятида Нидерландиянинг “LT Tekstile”, Германиянинг “Заурер” ва Швейцариянинг “Ритер АГ” компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 58,9 млн. доллар бўлган 6 та корхоналар ташкил этилди, 27,0 минг тонна ип калава, 9,0 млн. кв. метр газлама, 8,0 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари ва 1,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Самарқанд вилоятида Польшанинг “Европол импекс”, Германиянинг “Террот” компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 140 млн. доллар бўлган 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 15,0 минг тонна ип калава, 7,0 млн. кв. метр газлама, 4,2 млн. дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ва 6,0 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Жиззах вилоятининг “Жиззах Кантекс” хорижий корхонасини кенгайтириш ҳисобига йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5,0 минг тонна бўлган ип калава бўлган, Наманган вилоятининг “Наманган тўқимачи” корхонаси негизида 2018-2020 йилларда қуввати 2,5 минг тонна ип калава ва 7,0 млн. кв. метр газлама ишлаб чиқарувчи, Фарғона вилоятининг “Бурут текстиль” МЧЖ

кенгайтириш ҳисобига йиллик қуввати 13,0 млн. кв. метр бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилди [8].

Шунингдек, 2018-2020 йилларда республикамизнинг 12 та ҳудудида 30 млн. долларлик (21 млн. доллар хорижий инвесторлар) инвестиция ҳисобига, умумий ишлаб чиқариш қуввати 24,0 минг тонна бўлган ип калавани бўйаш ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

2018-2020 йилларда Бухоро вилоятининг Ромитан ва Жондор туманларининг қурилиши тугалланмаган иншоотлари негизида умумий қиймати 132 млн. доллар бўлган тўқимачилик комплекслари ташкил этилади. Ёғдудовон туманида эса бир неча йиллардан бери тўхтаб турган ишлаб чиқариш биносида қиймати 22,1 млн. доллар бўлган тўқимачилик комплекси яратилди.

Ҳозирги кунда Республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг қарийб 63 фоизини қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари яратилган. Амалга ошириладиган лойиҳаларнинг қарийб 65 фоизи ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини яратишга ихтисослашган.

2018-2020 йилларда ушбу лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида халқ истеъмолчи молларининг ҳамма турларини ҳудудларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши натижасида, аҳолига қулайлик яратилиши билан бирга, керакли бўлган маҳсулотларга эҳтиёжи ҳам қондирилди, бу эса, ўз ўрнида, харидорларнинг реал даромадлари ошишига олиб келди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш корхоналар негизида умумий қиймати 291,5 млн. доллар бўлган 21 лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу

лойиҳаларни амалга ошириш натижасида, 67,3 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш, 35,5 млн. кв. метр газлама, 14,0 минг тонна трикотаж мато ва 47 млн. дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари яратилади [9].

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг инновацион фаолиятини бошқариш билан белгиланган йўналишлардан бири хом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан, саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиш асосида тармоқни барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқишдан иборат.

Республикада ишлаб чиқариладиган пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳисобига юқори қийматли тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш, бунинг учун инновацион технологиялардан ва ишланмалардан самарали фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга фаол жорий этиш, ички, яъни тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириш, устки кийимлар ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш учун, тармоқнинг имкониятларини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини 2021-2025 йилларда ва келажакда 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида ўз аксини топган.

Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш Дастурида

80000 та янги иш ўринлари яратишга мўлжалланган умумий қиймати 2437 млн. АҚШ доллариغا тенг бўлган 225 та инновацион-инвестиция лойиҳалари амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу инновацион-инвестиция лойиҳалари амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган.

Стратегияда ички ва ташқи бозорларда мавжуд дилерлик бўлимлари, савдо уйлари ва фирма дўконлари орқали харидорларнинг талабини ва эҳтиёжини ўрганиш масалалари, ушбу ўрганишлар асосида янги турдаги маҳсулотлар турлари ишлаб чиқаришга жорий қилиш, пахта толаси билан бошқа турдаги, яъни синтетик, ипак ва сунъий толаларнинг аралаш матолари ва газламаларини ишлаб чиқариш йўналишлари кўрсатилган.

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида 2030 йилга бориб газламалар ишлаб чиқариш 2 138,8 млн. кв. м. ташкил этади, бу миқдордаги газламаларни ишлаб чиқариш учун 350,5 минг тонна ип калава сарф қилинади. 525 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш учун - 541,2 минг тонна ип калава, 551,2 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун - 57,7 минг тонна ип калава сарф қилинади. Жами 2030 йилда бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришга 949,4 минг тонна ип калава сарф қилиниши кўзда тутилган, яъни ишлаб чиқарилган ип калава тўлиқ қайта ишланади [9].

Хулоса. Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, Стратегияда 2021-2030 йилларда 170 та лойиҳани амалга ошириш ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳисобига газламалар ишлаб чиқаришни 5,8 баробарга, трикотаж мато – 7,3 баробарга, тикув-трикотаж

маҳсулотларини – 6,3 баробарга ва пайпоқ маҳсулотларини – 7,6 баробарга ошириш ҳамда экспорт ҳажмини энг камида 5 баробарга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги 4453-сонли “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига биноан 2025 йилга бориб тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,5 марта, калава – 2,7 (1032,5) марта, газлама - 3 (1425,9) марта, тайёр трикотаж мато – 3,1 (546) марта, тикув-трикотаж – 4,1 (3080) марта, тўқимачилик галантерияси -5 (360,5) марта, пайпоқ маҳсулотлари – 1,6 (427) марта ва экспорт ҳажми -3,3 (7075) марта ошади.

Шунингдек, Стратегияда кўзда тутилган “Ўзбек мода индустрияси”ни ривожлантириш ва маҳаллий дизайнерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

- мунтазам равишда ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари ва миллий либослар намойишлари ўтказиб келинмоқда;

- ишлаб чиқарувчи корхона мутахассислари билан янги дизайнерлик

лойиҳалари, инновацион ғоялар бўйича ишлар олиб борилмоқда;

- хорижий мутахассислар (Франция, Италия, Германия, Россия, Озёрбайжон, Япония, Жанубий Корея) билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Корхоналарнинг умумий экспортдаги қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улуши (бўялган ип-калава, тайёр газламалар, тикув-трикотаж буюмлари ва пайпоқ маҳсулотлари) 47 фоизни ташкил этган. Экспорт фаолиятига жалб этилган корхоналар сони 120 тага ошиб, 1100 тага етказилган, янги ўзлаштирилган ташқи бозорларнинг сони , хусусан, Европа иттифоқи давлатлари қўшилиши ҳисобига эса 3 тага кўпайган.

Бизнинг фикримизча, саноатни барқарор ривожлантириш, айниқса унинг асосий тармоқларидан бўлган тўқимачилик, енгил, машинасозлик ва қишлоқ хўжалик саноати маҳсулотларини қайта ишлаш келажақда инвестицион сиёсатнинг асосини ташкил қилади. Авваламбор, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ана шу тармоқларга жалб қилиш инвестицион фаолликни оширишда асосий ўринни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.

2. Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: Теория. Проблемы. Практика. – М.: Экономика, 2012. – 272 с.

3. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация, управление и финансирование: Учебник для вузов. М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000. - 413с.

4. Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений / Пер. с фр. – М.: Статистика, 2011. – 160 с.

5. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процент и денег. / Пер. с англ. Н. Н. Любимова; Под ред. Л. П. Куракова. М., 2000. – 54 с.
6. Макконел К.Л., Брю С.Л. Экономикс / – М.: ИНФРА-М, 2000. – 993 с.
7. Долан Э. Дж., Линдсей Д. Рынок: микроэкономическая модель. СПб., 1992. - 496 с.
8. www.uzts.uz – “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси расмий веб-сайти.
9. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статисти агентлиги расмий веб-сайти.
10. <http://www.trustedclothes.com>.